


ОДАМ ПАПИЛЛОМАСИ ВИРУСИГА ҚАРШИ ВАКЦИНА БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР



ВИРУС ВА
ВАКЦИНА
ҲАҚИДА
ДАЛИЛЛАР

ОДАМ ПАПИЛЛОМАСИ ВИРУСИ (ВПЧ)ГА ҚАРШИ ВАКЦИНАНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ДОИР

Дунё бўйлаб 96 дан ортиқ мамлакатлар (шу жумладан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақасидаги 33 та мамлакат) ВПЧга қарши эмлашни миллий дастурларининг қизлар учун мўлжалланган қисмига киритганлар.

Ўзбекистон ва ВПЧга қарши вакцинани ўзларининг режали эмлаш миллий календарларига киритган бошқа мамлакатлар хотин – қизларни бачадон бўйни саратонидан (шунингдек, ўткир учли кондиломалар ва ВПЧ келтириб чиқарадиган бошқа касалликлардан) ҳимоя қилишни энг устувор вазибалардан ҳисоблайдилар.

Ҳозирга қадар ЖССТ ва бошқа идоралар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари мазкур вакцинанинг юқори даражада самарадорлигини кўрсатмоқда. Австралия, Бельгия, Германия, Швеция, Буюк Британия, АҚШ ва Янги Зеландияда ўтказилган тадқиқотларда ўсмир қизлар ва ёш аёллар ўртасида ВПЧ инфекцияси ва ўткир учли кондилома мавжудлиги ҳолатлари кескин равишда – 90% гача камайганлиги аниқланган.

ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги ВПЧ га қарши вакцинани эмлаш календарига асосан 9 яшар қизларга икки дозада (2 марта) беришни тавсия этадилар. Чунки, айнан шу ёшда вакцина иммунитет тизимининг энг кучли жавоб ҳаракатини таъминлайди.



**ВПЧ
вакциnasiни
жорий қилиш**



**ВПЧга қарши
эмлашни
режали
эмлаш миллий
календарига
киритиш**



**ВПЧга қарши
вакциналарнинг
ҳозирги кундаги
самарадорлиги**



**ВПЧга қарши
эмлашни неча
ёшда амалга
ошириш лозим?**

СИФАТ, ХАВФСИЗЛИК ВА НОЖЎ ТАЪСИРЛАР

Ҳа. Мавжуд ҳар бир ВПЧ вакцинаси фойдаланишга рухсат берилишидан олдин кенг қамровли клиник синовлардан ўтади. Мазкур вакцинага ЖССТ томонидан сертификат тақдим этилган. Дастлабки ВПЧ вакцинаси 2006 йилда лицензия олган бўлиб, ўтган давр мобайнида мазкур вакцинанинг 270 миллиондан ортиқ дозаси дунёнинг 102 та мамлакатида қўлланилди. ВПЧ вакцинасини жорий қилаётган мамлакатларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ЖССТ ва 96 та мамлакатнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам иммунизация бўйича бетараф экспертлар гуруҳлари ёрдамида ВПЧга қарши эмлашнинг самарадорлиги, рентабеллиги ва хавфсизлигига оид далилларни таҳлил қилиб чиқдилар ва ВПЧ вакцинасини режали эмлаш дастурига киритишни асосли ва зарур эканлиги тўғрисидаги хулосага келдилар.

Бошқа вакциналар ва доривор моддалар каби, ВПЧ-вакцинаси ҳам баъзан енгил ножўя таъсирларни келтириб чиқариши мумкин, жумладан:

Инъекция ўрнининг қизариши, шишиб қолиши ёки оғриқ бериши кузатилади. Баъзи ҳолларда қизлар бош оғриғи, тана ҳароратининг бир оз кўтарилиши ёки умумий холсизликдан шикоят қилишлари мумкин.

Бундай маҳаллий таъсирлар одатда бир кундан кўпга чўзилмайди ва хавф туғдирмайди.

Йўқ. ВПЧ-вакциналари репродуктив функцияга таъсир кўрсатмайди. ВПЧ-вакцинага лицензия тақдим этишдан аввал олиб борилган клиник синовлар ҳамда вакцина жорий қилинганидан сўнг унинг хавфсизлигини текшириш учун олиб борилган мониторинг ва таҳлиллар ушбу восита аёлларнинг репродуктив функцияларига ҳеч қандай зарар етказмаслигини тасдиқлаган.

Бундан ташқари, мазкур вакцина бачадон бўйни саратон-олди шикастланиши ва бачадон бўйни саратонининг олдини олиши орқали репродуктив функцияларнинг ҳимояланган бўлишига ёрдам беради.

**Вакцина
пухта синаб
кўрилганми?**



**Ушбу вакцина
қандай
маълумотлар
асосида
режали
эмлаш
дастурига
киритилган?**



**Ушбу
вакцина
бирон ножўя
таъсирларга
эгами, агар
ҳа бўлса,
улар қандай?**



**ВПЧ-вакцинаси
инсоннинг
репродуктив
(фарзанд кўриш)
функциясига
таъсир этиши
мумкинлигини
тасдиқловчи
бирон
маълумотлар
мавжудми?**



ВПЧГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ҲАҚИДА

ВПЧ га қарши вакцинада вируснинг энг кенг тарқалган шаклларига ўхшаш зарралар мавжуд. Мазкур зарралар тирик вирус эмас ва шу сабабли инфекция келтириб чиқара олмайди. Аммо, вакцина инсон организмга киритилганидан кейин, организмнинг иммунитет тизими уларга нисбатан худди ҳақиқий вирусга бўлгани каби таъсирланади. Шу сабабдан организм мазкур зарраларга қарши аксилтаначаларни (антитела) ҳосил қилиш орқали ҳимоя тизимини шакллантиради. Агар қачондир организмга ҳақиқий вирус тушиб қоладиган бўлса, бундай ҳимоя тизими уни енгиб чиқади. Мазкур тизим шу қадар яхши ишлайдики, келажакда ВПЧнинг вакцинада акс эттирилган барча инфекцияларини юз фоизлик самарадорлик билан енга олади.

ВПЧга қарши вакцина қандай ишлайди?

Вакцинанинг таъсири қандай вақт давомида ўз кучни йўқотмайди?

Илмий тадқиқотларда аниқланишича, 12 йилдан кўпроқ вақт олдин эмланган инсонлар ҳозирга қадар ВПЧнинг ўзлари қабул қилган вакцинага киритилган турларидан тўлиқ ҳимояга эга эканлар. Демак, улар ҳалигача бачадон бўйни саратон-олди жароҳатлари ривожланиши хатаридан, ўткир учли кондилломалар ва ВПЧнинг мазкур турлари келтириб чиқарадиган бошқа касалликлардан ҳимоялаганлар. Экспертлар вакцина бир неча ўн йилликлар давомида ўз самарадорлигини йўқотмаслигини исботладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЭМЛАШ КАЛЕНДАРИ



Профилактик эмлаш миллий календарига асосан қилинадиган эмлашлар бепул амалга оширилади.

Тўлиқ маълумот учун қаранг www.privivki.uz